




TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 616.36-073.75

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АХОЛИ ОРАСИДА ЗАМОНАВИЙ УЛЬТРАТОВУШ
ТЕКШИРУВИДА ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-
МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.**



Аминов Шохрух Хамдамжон ўғли.

Email: shoxruxaminov0206@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0006-5468-8703>

Каримов Расулбек Хасанович.

Email: r.karimov.86@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-0325-2709>

Айтимова Гулсанам Юсуповна.

Email: gulsanam.aytimova@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0000-9154-8212>

Урганч давлат тиббиёт институти.

Аннотация: Ушбу олиб борилган илмий тадқиқот ишида Хоразм вилоятида яшовчи аҳоли орасида ошқозон соти беzi касалликларининг замонавий ультратовуш текшируви асосида клиник ва морфологик хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқотнинг долзарблиги шундан иборатки, ошқозон ости беzi патологияларининг сўнги йилларда кўпайиб бораётгани, уларнинг кеч ташхис қилиниши, ва асоратлар ривожланиши билан изохланади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади — замонавий ультратовуш ташхислаш усуллари ёрдамида ошқозон ости беzi касалликларининг клиник кечиши ва морфологик ўзгаришларини баҳолаш, эрта ташхис қўйиш имкониятларини аниқлашдан иборат бўлиб, ишда клиник, инструментал (ультратовуш текшируви), ҳамда морфологик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Текширувлар натижасида ошқозон ости безининг ўткир ва сурункали панкреатит, кистоз ўзгаришлар ва неопластик жараёнларда ультратовуш белгилари (эхогенликнинг ўзгариши, контурларнинг ноаниқлиги, без ҳажмининг катталаниши ёки кичрайиши, паренхиманинг бир хил эмаслиги) аниқланди. Шу билан бирга, ушбу ўзгаришлар клиник симптомлар билан ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинди ва олинган натижаларга кўра, ультратовуш текшируви ошқозон ости беzi касалликларини эрта аниқлашда, уларнинг морфологик ҳолатини баҳолашда ва дифференциал ташхис қўйишда самарали усул эканлиги исботланди.

Калит сўзлари: ошқозон ости беzi касалликлари, панкреатит, ультратовуш текшируви, доплерография, эластография, фиброз.

Мавзунинг долзарблиги: Хоразм вилоятида яшовчи аҳоли орасида ошқозон ости беzi касалликларининг клиник-морфологик хусусиятларини замонавий ультратовуш текшируви асосида ўрганиш қуйидаги омиллар билан долзарб ҳисобланади, яъни ошқозон ости беzi



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

касалликлари (айниқса, ўткир ва сурункали панкреатит, кисталар ва ўсма жараёнлари) сўнгги йилларда аҳоли орасида тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат овқатланиш тарзи ўзгариши, экологик омиллар (жумладан, Оролбўйи ҳудудига хос салбий таъсирлар), ҳамда метаболик синдром кенг тарқалиши билан боғлиқ. Ушбу касалликлар кўп ҳолларда яширин ёки кам симптомли кечади, натижада улар кеч босқичларда аниқланади. Бу эса оғир асоратлар — некроз, диабет, онкологик жараёнларга олиб келиши мумкин.

Замонавий ультратовуш диагностика усуллари инвазив бўлмаган, хавфсиз ва кенг қўлланилиши мумкин бўлган текширув усули ҳисобланади. Бироқ амалиётда унинг морфологик ўзгаришларни эрта босқичда аниқлаш имкониятлари тўлиқ ўрганилмаган, айтиқса маҳаллий аҳоли мисолида. Хоразм вилоятида аҳоли саломатлигига таъсир қилувчи маҳаллий омиллар (иқлим, сув ва тупроқ таркиби, озиқ-овқат хусусиятлари) ошқозон ости беши касалликларининг клиник кечиши ва морфологик ўзгаришларига ўзига хос таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса ҳудудий илмий тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади.

Касалликларни эрта ташхислаш ва тўғри баҳолаш клиник амалиётда самарали даволаш стратегиясини танлаш, асоратларни олдини олиш ва аҳоли ҳаёт сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ушбу мавзу замонавий диагностика имкониятларини ҳудудий хусусиятлар билан боғлаб ўрганиш нуқтаи назаридан муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Замонавий диагностика усуллари орасида ультратовуш текшируви (УТТ) ошқозон ости беши касалликларини аниқлашда энг хавфсиз, ноинвазив, тезкор ва кенг қўлланиладиган метод ҳисобланади. Ушбу усул орқали ошқозон ости безининг ўлчами, эхоструктураси, эхогенлиги, контуралари ва патология ўчоқларини аниқлаш мумкин.

УТТ усулининг афзалликлари қаторига унинг хавфсизлиги, юксак информативлиги, такрорий ўтказиш имконияти ва арзонлиги қиради. Бироқ, айрим ҳолларда беморнинг семизлиги, ичакда газлар бўлиши ва юқори эхоген ўсмалар мавжудлиги диагностик аҳамиятни пасайтиради. Шу сабабли, УТТ маълум ҳолларда КТ, МРТ ва биопсия каби қўшимча усуллар билан тўлдирилади.

Ишнинг мақсади: ишнинг мақсади сифатида Хоразм вилояти Урганч шаҳрида яшовчи ошқозон ости беши касалликлари билан Республика тез тиббий ёрдам маркази Хоразм филиали шифохонасига мурожаат қилган беморларнинг замонавий ультратовуш текширувидан ўтказиш мақсад қилиб олинган.

Олинган натижалар: олиб борилган ультратовуш текширув натижасида жами 107 нафар бемор мурожаат қилган ва ультратовуш текширувидан ўтказилди. Мурожаат қилган беморлар жинс бўйича урганилгандан эркак жинсига мансуб беморлар 67 (63%) нафарни, аёл жинсига мансуб беморлар 40 (37%) нафарни ташкил қилди (1-Жадвалга қаранг).




1-Жавдал. Беморларнинг жинс бўйича учраши.



Изланишлар давомида ошқозон ости беzi касалликларининг замонавий ультротавуш орқали текширилганда жинс бўйича аёлларга қараганда эркак жинсига мансуб беморлар 67 (63%) ни ташкил қилди.

Беморларнинг яшаш ҳудуди, яъни шаҳар ва туманлар кесимида урганилганда, Урганч шаҳрида 12 (11,2 %), Урганч туманида 10 (9,3 %), Хива шаҳрида 11 (10,2 %), Хазорасп туманида 10 (9,3 %), Питнак туманида 9 (8,4 %), Хонка туманида 8 (7,4 %), Боғот туманида 7 (6,5 %), Янгиариқ туманида 7 (6,5 %), Янгибозор туманида 7 (6,5 %), Гурлан туманида 9 (8,4 %), Шовот туманида 8 (7,4 %), Қўшқўпир туманида 9 (8,4 %) та ҳолат кузатилди (2-Жадвалга қаранг).

2-Жавдал. Беморларнинг шаҳар ва туманлар кесимида учраши.






TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Текширилган беморлар асосан Урганч шаҳрида бошқа шаҳар ва туманларга қараганда кўп эканлиги маълум бўлди, яъни 12 нафар беморда.

Шаҳар ва туманлар кесимида ўрганилган беморларнинг ёшга доир учрашини текшириб кўрилганда, 35-40 ёш 12 (11,2 %) нафарни, 40-45 ёш 15 (14 %) нафарни, 45-50 ёш 18 (16,8 %) нафарни, 50-55 ёш 21 (19,6 %) нафарни, 55-60 ёш 25 (23,3 %) нафарни, 60-65 ёш 16 (14,9 %) нафарни ташкил этди (3-Жадвалга қаранг).

3-Жадвал. Беморларнинг ёшга доир учраши.



Ёшга доир олиб борилган текуширувлар натижаси шуни курсатдики, беморлар ичида 55-60 ёшлар атрофида 25 нафар беморда юқори кўрсаткич аниқланди.

Умуман олганда, юқоридаги барча беморлар бугунги кунда тиббиёт соҳасида ишлаб чиқилган охирги CHISON XBit 80 русумдаги ультратовуш ускунасида текширилган (1-Расмга қаранг).



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740



Ушбу русмдаги ультратовуш ускунаси Хитойнинг Chison компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, юқори сифатли, кенга фойдаланувчи ускуна ҳисобланади. У замонавий 21.5 дюймли Full HD LED монитор, 13.3 дюймли сенсорли экран, замонавий платформа ва 64 битли архитектура, X-Engine технологияси, 3D/4D режими Elastography (тўқималарнинг эластиклигини баҳолаш), Contrast-Enhanced Ultrasound (CEUS) имконияти, CW, PW, Color Doppler, Power Doppler, Directional Power Doppler режимлари, 500GB HDD ёки SSD, DICOM 3.0, USB портлар, HDMI, VGA, Ethernet, 2 ёки 4 та портли конфигурация, Конвекс, Линейка, Эндокавитар, Кардиологик CW проблемлари билан мос, проблемларнинг турли частотали диапазонлари: 2–18 MHz гача, автоматик ҳисоб-китоб функциялари: IMT, OB, Cardiac ва бошқалар, хусусий аниқликни оширувчи алгоритмлар: FHI (Fusion Harmonic Imaging), X-Contrast, X-View, X-Needle, автоматик скрининг имкониятлари, 4D акушерлик режими, тез ва сезгир интерфейс, қўллаб-қувватловчи турли стандарт протоколлардан иборат ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган ускуна орқали текширилувчи 107 нафар беморнинг қорин бўшлиғи текширилди ва натижада 80 нафар беморда ўткир панкреатит, 27 нафар беморда сурункали панкреатит аниқланди (4-Жавдалга қаранг).



4-Жадвал. Ультратовуш текширувида аниқланган ошқозон ости беzi касалликлари.



4-Жадвалда жигар касалликлари орасида 75%ни ўткир панкреатит такшил қилган.

Хулосалар: хулосада ўрнида шунни айтиш мумкинки, Хоразм вилоятида яшовчи аҳоли орасида ошқозон ости беzi касалликларининг клиник-морфологик хусусиятларини замонавий ультратовуш текшируви асосида ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ошқозон ости беzi касалликлари (ўткир ва сурункали панкреатит, кистоз ва неопластик жараёнлар) аҳоли орасида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг клиник кечиши кўп ҳолларда ноаниқ ва кам симптомли бўлади.

2. Ультратовуш текшируви ошқозон ости беzидаги морфологик ўзгаришларни (эхогенликнинг ўзгариши, паренхиманинг бир хил эмаслиги, без ҳажмининг ўзгариши, контурларнинг ноаниқлиги) аниқлашда юқори ахборотли ва ишончли усул эканлиги исботланди.

3. Клиник белгилар билан ультратовушда аниқланган морфологик ўзгаришлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу касалликни эрта босқичда ташхислаш имконини беради.

4. Худудий омиллар (экологик ҳолат, овқатланиш тарзи ва турмуш шароити) ошқозон ости беzi касалликларининг ривожланиши ва кечишига сезиларли таъсир кўрсатади.

5. Замонавий ультратовуш диагностикасини амалиётга кенг жорий этиш ошқозон ости беzi касалликларини эрта аниқлаш, дифференциал ташхис қилиш ва самарали даволаш тактикасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, ушбу тадқиқот натижалари клиник амалиётда ошқозон ости беzi касалликларини эрта ташхислаш ва асоратларни олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Sobirjanevich, Y. B., Alievich, M. A., & Xasanovich, K. R. (2024). Этиология Гепатоцеллюлярной Карциномы: Особое Внимание Жировой Болезни Печени. *Research Journal of Trauma and Disability Studies*, 3(3), 26-36.

2. Abdullayev, O. (2024). XORAZM VILOYATIDA GEPATIT S KASALLIGINING TARQALISHI. *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIIY JURNALI*, 3(3), 189-196.

3. Yuldashev, B. S., Abdullayev, U. R., Khodjaniyazov, A. A., & Sultanov, B. B. (2024). HISTOLOGIC AND IMMUNOHISTOCHEMICAL ASSESSMENT OF OF THE LIVER IN



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

PATIENTS WITH CHRONIC HEPATITIS C. " XALQ TABOVATI VA ZAMONAVIY TIBBIYOT, YANGI YONDASHUVLAR VA DOLZARB TADQIQOTLAR", 19, 1-2.

4. Айтимова, Г. Ю. (2017). Ультразвуковой скрининг заболеваний периферических артерий. *Авиценна*, (12), 33-36.

5. Каримов Расулбек Хасанович, Фозилова Зарнигор Мавлановна, & Абдуллаева Дилноза Кузибаевна. (2025). СУРУНКАЛИ ЖИГАР ЕТИШМОВЧИЛИГИДА УЛЬТРОТОВУШ ТЕКШИРУВИНИНГ АХАМИЯТИ. INTERNATIONAL CONFERENCE OF NATURAL AND SOCIAL-HUMANITARIAN SCIENCES, 2(2), 29–30.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15103012>

6. Каримов Расулбек Хасанович, Фозилова Зарнигор Мавлановна, & Абдуллаева Дилноза Кузибаевна. (2025). ЗАМОНАВИЙ УЛЬТРОТОВУШ ТЕКШИРУВ АППАРАТЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ. INTERNATIONAL CONFERENCE ON MODERN DEVELOPMENT OF PEDAGOGY AND LINGUISTICS, 2(4), 13.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15455581>

7. Aminov, S., Karimov, R., & Aitimova, G. (2026). THE IMPORTANCE OF ULTRASONIC EXAMINATION IN PANCREATIC DISEASES. INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE, 3(4), 42–43.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19461608>

